

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2025 йил декабрь ойининг 10 куни жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон туман суди суд биносиди, очик суд мажлисида, раислик қилувчи, судья О.Аллаев, судья ёрдамчиси С.Омоновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Каттақўрғон туман прокурорининг ёрдамчиси С.Тухташов, судланувчи Б.Худойбердиев ва унинг ҳимоячиси Самарқанд шаҳар “Боғишамол” адвокатлар ҳайъати адвокати К.Шарапов ва жабрланувчи М.Авлаевнинг иштирокида, Худойбердиев Бекназар Негмат ўғлига нисбатан бўлган № 1-1404-2501/262-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Худойбердиев Бекназар Негмат ўғли (Xudoyberdiyev Beknazar Negmat o'g'li), 1991 йил 19 январь куни Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, муқаддам судланмаган, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, оилали, 3 нафар фарзанди бор, руҳан соғлом, Каттақўрғон тумани “Мундиён” маҳалла фуқаролар йиғинида яшайди, унга нисбатан “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2025 йил 30 октябрь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини таҳлил қилиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, томонларнинг музокара сўзларини ва судланувчининг охириги сўзи тингланиб, қуйидагиларни,-

А Н И Қ Л А Д И :

Худойбердиев Бекназар Негмат ўғли, ўзганинг кўп миқдорда бўлган мулкни алдаш ва ишончли суистеъмол қилиш йўли билан қонунга ҳилоф равишда ва текин қўлга киритиш мақсадида, ғаразли ва бошқа паст ниятларда, тез ва осон бойлик орттириш учун 2024 йил 3 апрель куни таниши Каттақўрғон тумани “Кадан” маҳалласида яшовчи Авлаев Ғиёс Ҳасановичнинг ишончига кириб, у билан ўртасида вужудга келган ишончли муносабатлардан ғаразли мақсадларда фойдаланиб, унинг “Кобалт” русумли автомашинасини 15 000 АҚШ долларига (Ўзбекистон Республикаси сўмига 189 502 800 сўм) сотиб олиб, автомашинанинг пулларини бугунги кунга қадар қайтариб бермасдан, алдаб келган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Худойбердиев Бекназар Негмат ўғли ўзининг кўрғазмасида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, Каттақўрғон тумани “Кадан” маҳалласида истиқомат қилиб келувчи Авлаев Мансур Хасанович аввалдан танишлигини, у билан алоқалари яхши эканлигини, 2024 йил 2 апрель куни унга тегишли бўлган “Кобалт” русумли



қора рангли 30L 471 KB давалат рақам белгили автомашинани 15.000 АҚШ долларига келишиб укасидан сотиб олганлиғни, шу вақтнинг ўзида 5.000 АҚШ долларарида берганлиғини қолган 10.000 АҚШ долларини 2024 йил 3 август кунига қадар беришликка келишиб, орадан бироз вақт ўтганидан кейин ушбу автомашинани бошқа бир фуқарога сотиб юбориб, уша фуқаронинг номига расмийлаштириб, ундан ушбу автомашна пулларини олиб, жабрланувчига бермасдан чет давлатига чиқиб кетиб пулларини бермаганлиғини, ҳозирги кунда жабрланувчига етказилган барча моддий зарарларни тўлиқ қайтарганлиғи, қилмишидан пушаймондалиғини инобатга олиб унга қонуний енгиллик беришликни сўраши ҳақида баён қилди.

Судланувчи Худойбердиев Бекназар Негмат ўғли ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб баён қилган кўрсатувидан ташқари, унинг айби суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчининг кўрсатмалари ҳамда иш ҳужжатларида мавжуд бўлган инкор этиб бўлмайдиган қуйидаги далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланди.

Судда сўралган жабрланувчи Авлаев Мансур Ҳасанович ўз кўрғазмасида, 2024 йил февраль ойларининг бошида Оқдарё туманида яшовчи фуқародан “Кобалт” русумли 2024 йилда ишлаб чиқарилган “тўқ кўк” рангдаги автомашина сотиб олганлиғи, ушбу автомашинани сотиш мақсадида укасининг яшаш уйи олдиға, яъни кўча томонга қаратиб қуйганлиғи, сўнг таниши Каттакўрғон тумани “Сарой” маҳалласида истиқомат қилиб келувчи Худойбердиев Бекназар Негматилло ўғли келиб ушбу автомашинаси сотиб олмоқчи бўлиб, у билан гаплашганлиғи, у билан гаплашиб, автомашинани савдолашиб, 15.000 АҚШ долларига сотиб олишга бошидан 5.000 АҚШ доллари 4 ойдан кейин эса қолган 10.000 АҚШ долларини беришга келишганлиғи, шу вақтлар у отасини Тошкент шаҳрига текширтириш учун олиб кетганлиғи, у укаси билан гаплашиб, Худойбердиев Бекназарга автомашинани бериб юборишини ва ушбу ҳолатни тасдиқлаб қуйиш учун тасвирға олишини айтганлиғи, шу тариқа укаси Ғ.Авлаев автомашинани Худойбердиев Бекназар Негматилло ўғлиға бериб юбориш вақтида уни ўзини гапиртириб, 2024 йил 3 август кунини пулларни қолган қисмини, яъни қолган 10.000 АҚШ долларини беришини ҳозир эса 5.000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни берган ҳолатини тасвирға олганлиғи, ордан тахминан 10-15 кун ўтганидан кейин Б.Худойбердиев улар билан боғланиб, уларға автомашинани сотганлиғини, шу сабабли расмийлаштириб бериш кераклиғини айтганлиғи, шу тариқа ушбу автомашинани сотиб олган фуқарога қўнғироқ қилиб чақиртириб Б.Худойбердиев томонидан сотиб юборилган фуқаронинг номига расмийлаштириб берганлиғи, автомашинани расмийлаштириб берганидан кейин Худойбердиев Бекназар Россия давлатига чиқиб кетаётганлиғини билганлиғи, ҳозирда унга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиғи, судланувчига нисбатан даъвоси йўқлиғи ҳақида баёнот берди.

Судда сўралган гувоҳ Авлаев Мансур Ҳасанович ўз кўрғазмасида жабрланувчи М.Авлаевнинг кўрсатмасига ўхаш кўрсатмалар берди.



Бундан ташқари, судланувчи Худойбердиев Бекназар Негмат ўғлининг айби, дастлабки тергов хужжатлари, яъни жабрланувчининг аризаси, тилхат, фотосуратлар, пул олганлик ҳақидаги тилхат, ашёвий далил деб эътироф этиш қарори, стенограмма баёни, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ҳамда жинойт ишида тўпланган бошқа бир қатор объектив далиллар билан ҳам тўлиқ ўз исботини топди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Худойбердиев Бекназар Негмат ўғлининг дастлабки тергов органи томонидан қўйилган айбловини муҳокама қилиб, унинг айбда қайд этилган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” бандида жуда кўп миқдорда фирибгарлик жинойтини содир этганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Дастлабки тергов органи томонидан, Худойбердиев Бекназар Негмат ўғли, ўзганинг жуда кўп миқдорда бўлган мулкани алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда ва текин қўлга киритиш мақсадида, ғаразли ва бошқа паст ниятларда, тез ва осон бойлик орттириш учун 2024 йил 3 апрель куни таниши Каттакўрғон тумани “Кадан” маҳалласида яшовчи Авлаев Ғиёс Ҳасановичнинг ишончига кириб, у билан ўртасида вужудга келган ишончли муносабатлардан ғаразли мақсадларда фойдаланиб, унинг “Кобалт” русумли автомашинасини 15 000 АҚШ долларига (Ўзбекистон Республикаси сўмига 189 502 800 сўм) сотиб олиб, автомашинанинг пуллари бугунги кунга қадар қайтариб бермасдан, алдаб келганликда айбланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-бўлимида “жуда кўп миқдор – базавий ҳисоблаш миқдорининг беш юз баравари ва ундан ортиқ бўлган миқдордаги зарар” деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида кўра, 2025 йил 1 август кунидан бошлаб базавий ҳисоблаш миқдори 412.000 сўм қилиб белгиланганлиги, ҳозирги кунда Б.Худойбердиев томонидан жабрланувчи М.Авлаевга етказилган моддий зарар 189.502.800 сўм жуда кўп миқдорни ташкил қилмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб суд, судланувчи Худойбердиев Бекназар Негмат ўғлининг жуда кўп миқдорда фирибгарлик жинойтини содир этганлигини ўз тасдиғини топмаганлиги, бу борада шошма шошарлик билан ишга бир томонлама ёндашиб, шубҳа ва гумонлар остида унга айб эълон қилинганлиги, суд тергови давомида ҳам бу ҳолат ўз исботини топмаганлиги боис, уни айбда зикр этилган жиноий қилмишни содир этганлиги суд терговиде ўз исботини топганлиги сабабли, бу ҳозирда шубҳа ва гумонларни бартараф этиш имкони йўқлигини инобатга олиб, уни судланувчининг фойдасига ҳал этган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Суд ҳукми тўғрисида” ги 2014 йил 23-майдаги № 7-сонли Қарорининг 4-бандида “иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб



чиқилиши керак”лиги, шу Пленум Қарорининг 5-бандида “ЖПК 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлиги, фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозим” лиги ҳақида тушунтиришларига риоя қилган ҳолда унинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” бандидан ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” бандига қайта квалификация қилишликни лозим топди.

Суд, судланувчи Худойбердиев Бекназар Негмат ўғлининг жиноят содир этишдаги ҳолатини муҳокама қилиб, содир этган қилмишидан пушаймонлигини, моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, муқаддам судланмаганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, ғараз ниятларда жиноят содир этганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан қонунда белгиланган жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолайди.

Суд, судланувчи Худойбердиев Бекназар Негмат ўғли жазо тури ва миқдорини белгилашда, уни содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қасддан ғараз ниятларда жиноят содир этганлигини, жиноят содир этгандан сўнгги хулқ-атворини инобатга олиш билан биргаликда, унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 4-хатбошисидаги “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чорлари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак” деб кўрсатилган талабини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасидаги “Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак” лиги борасидаги нормаларга амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг раҳбарий тушунтиришларига ҳамда қонунийлик, одиллик ва инсонпарварлик принципларига амал қилган ҳолда, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни, ЖКнинг 62-моддасига асосан қамоқда сақланган кунларини чегиришни ҳамда унга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” эҳтиёт чорасини бекор қилиб, дарҳол суд залидан ҳибсдан озод қилишни лозим топди.

Суд, жиноят иши бўйича ашёвий далил сифатида эътироф этилган “DVD” диск ва бир дона тилхат жиноят ишига қўшилганлиги инобатга олади.

Суд, судланувчи томонидан жабрланувчига етказилган моддий зарар иқ қопланганлигини инобатга олишни лозим деб ҳисоблайди.



Суд, Каттакўрғон туман прокурори томонидан келтирилган даъво аризани муҳокама қилиб, судланувчи Худойбердиев Бекназар Негмат ўғлини Россия Федерациясидан олиб келишга сарфланган ва судлар фаолиятини таъминлаш департаменти Самарқанд вилоят ҳудудий бўлими ҳисоб рақамига топширилган 19.200.000 сўми давлат фойдасига ўтказишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473-474-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Худойбердиев Бекназар Негмат ўғли (Xudoyberdiyev Beknazar Negmat o'g'li), Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбли деб топилсин.

Худойбердиев Бекназар Негмат ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” банди билан ҳар ойдаги ойлик иш ҳақидан 20 (йигирма) фоиз миқдорида давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 6 (олти) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан судланувчи Худойбердиев Бекназар Негмат ўғлининг 2025 йил 28 майдан 2025 йил 10 декабрь кунига қадар қамокда сақланган 197 (бир юз тўқсон етти) кунининг ҳар бир кунини ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунига тенглаштириб ҳисоблаб тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан чегириб, 10 (ўн) ой 9 (тўққиз) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазони Каттакўрғон туман ИИО Пробация бўлинмаси томонидан белгиланган жойларда ўташлик белгилансин.

Жазо муддати ҳукм қонуний кучга кириб жазони ўташ учун юборилган жойда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижросини таъминлаш Каттакўрғон туман ИИО Пробация бўлинмаси ходимлари зиммасига юклатилсин.

Худойбердиев Бекназар Негмат ўғлига нисбатан қўлланилган “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва у дарҳол суд залидан қамокдан озод қилинсин.

Каттакўрғон туман прокурори томонидан келтирилган даъво ариза қаноатлантирилсин ҳамда судланувчи Худойбердиев Бекназар Негмат ўғлини Россия Федерациясидан олиб келишга сарфланган ва судлар фаолиятини таъминлаш департаменти Самарқанд вилоят ҳудудий бўлими ҳисоб рақамига топширилган 19.200.000 (ўн тўққиз миллион икки юз минг) сўм пуллар давлат фойдасига ўтказилсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчилар ва жабрланувчиларга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан ўн сутка ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судига апелляция тартибида ёхуд ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг эса кассация тартибида шикоят ёки прокурор протест билдириши мумкин.

Раислиққилувчи, судья:

О.Аллаев

